

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељагаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2005 йил 15 февраль, № 31 (3576)

Сешанба



Эртани фаровон кўришни истаган инсон ҳаракатни бугундан бошлайди. Сирдарё вилоятидаги «Сайхунмед-текс» ҳам юрт эртаси учун хизмат қиладиган корхоналар сирасига киради.



## «САЙХУНМЕДТЕКС»нинг эртаси порлоқ

Ўзбекистон — Швейцария ҳамкорлиги маҳсули бўлган ушбу корхона хорижнинг энг замонавий технологиялари билан жиҳозланган.

Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар ҳам арзон, ҳам сифатлиги билан ажралиб ту-

ради. 300 нафардан зиёд гулистонлик ёшлар меҳнат қилаётган ушбу корхона ўзининг илк маҳсулотлари — 80 миллион сўмлик газлама, 270 миллион сўмлик калавани Россия ва Чехия давлатларига жўнади. Маҳаллий хомашёдан экспортбоп

маҳсулотлар тайёрланаётган корхонада яқин ойлар ичида ишлаб чиқариш қуввати ва ҳажмини кенгайтириш кўзда тутилган.

Суратларда «Сайхунмедтекс» дан лавҳалар акс эттирилган.

Муҳаммад КАРИМ олган суратлар.

Маълумки, мамлакатимиз ўзининг божхона тизимини изчиллик билан такомиллаштириб бормоқда. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси Б.Матлюбов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси ГФР Федерал Молия вазирлигининг Божхона ва солиқлар бошқармаси тақлифига бинаоан Германияда бўлиб қайтди.

### Божхоначилар ҳамкорлиги

Икки мамлакат божхона муассасалари ўртасидаги алоқаларни чуқурлаштириш, хусусан, нолегал товарлар, гийёҳанд ва портловчи моддалар контрабанда-си билан кураш соҳасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ушбу ташрифдан кўзланган асосий мақсад бўлди.

Ташриф чоғида божхона ва солиқлар бошқармаси раҳбари Х.Штиер, ГФР божхонага оид жиноятчилик ишлари муассасасининг раиси К. — Х.Маттиас билан музокаралар бўлиб ўтди.

Терроризм билан кураш шароитида бизнинг ҳамкорлигимиз алоҳида аҳамият касб этмоқда, — дейди К. — Х.Маттиас. — Ўзбекистон бизнинг Марказий Осиёдаги муҳим шеригимиздир. «Мен 2001 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов билан танишувимни катта мамнуният билан хотирлайман», дея алоҳида таъкидлайди у.

Шунингдек, Ўзбекистон делегацияси аъзолари ГФР кинология марказида ҳам бўлишиб, мутахассислар ўртасида ўзаро тажриба айирбошлаш ҳамда мамлакатимиз божхона хизматлари учун зотдор итлар келтириш борасидаги келишувларга эришилди. Бахриддин АСЛАНОВ, «Жаҳон» АА мухбири Берлин.

### Олий Мажлисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сиёсий партиялар — Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Фидокорлар миллий-демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси фракцияларининг Парламент Қонунчилик палатасида «Демократик блок»ка бирлашиши тўғрисидаги битим имзоланди.

## БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Янги блокнинг асосий мақсади кўпчилик овозга эга бўлган ҳолда, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат ва жамият ҳаётини янгилаш, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш вазифаларини ҳамда мамлакатимизни модернизация қилиш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, эркин иқтисодий эъти яратишга қаратилган дастурларни рўйбга чиқариш учун зарур қонунларнинг тайёрланиши ва қабул қилинишини таъминлаш йўлида саъй-ҳаракатларни бир-

лаштиришдир. Блок фаолиятининг асосий йўналишлари миллий манфаатларимизга мос, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ва таъқи сиёсат соҳаларидаги вазифаларнинг ҳал этилишини назарда тутувчи қонунчилик фаолияти дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат бўлади.

Мазкур битимда кўзда тутилган масалалар бўйича келишилган нуктаи назарни олдиндан муҳокама қилиш ва ишлаб чиқиш блока кирувчи фракциялар ҳамкорлиги шаклидан биридир. Блокда

роф этади. Блок ишини ташкил этиш ва қабул қилинган қарорларни бажариш учун тенг вақиллик асосида раҳбарлик кенгаши шакллантирилди ва у ҳамраислар — блокни ташкил этувчи фракциялар раҳбарларидан ташкил топади.

Блок фаолияти фракция аъзоларининг умумий мажлисида қабул қилинадиган регламент асосида амалга оширилди. Блок мажлислари қабул қилинган иш режаларига мувофиқ, зарурат туғилганда ҳамда бирор фракциянинг ташаббусига кўра ўтказилади. Блокка бир-

лашган барча сиёсий партиялар фракциялари ўз дастурий йўналишларига мувофиқ фаолиятини эркин юритиш ҳуқуқига эга. Блок Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳлари билан ҳамкорлик учун очқидир.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида демократик блок тuzилганлиги мамлакатимиз олий қонунчилик органидаги фракциялараро рақобатнинг яна бир мисolidир. Шундай қилиб, имзоланган битим парламентар фаолияти шаклларида бирини белгилаб берди, Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ишида ўзаро чекловлар ва мувозанатни сақлаш механизминини шакллантириш учун амалий шарт-шароитларни таъминлади.

Битим имзолангандан сўнг мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

(Ў.А.)

Абдулла ОРИПОВ:

## ЭЛ-ЮРТИНГГА МУНОСИБ БЎЛ

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси жойларда чуқур ўқиб-ўрганилмоқда. Маърузада қўйилган вазифалар муҳокама қилиниб, уларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинмоқда.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси, Сенат аъзоси Абдулла ОРИПОВ ЎЗА мухбири билан мулоқотда бу борада қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Давлатимиз раҳбарининг дастурий маърузасида халқимиз истиқлол йилларида ҳаётбахш ислохотларимизнинг муайян босқичларида эришган ютуқларга яқин ясалиб, яқин келажақда амалга ошириладиган асосий вазифалар белгилаб берилди. Эришган ютуқларимизнинг ҳам, амалга оширишни ният қилиб турган хайрли ишларимизнинг ҳам кўламини беҳад кенг, аҳамияти жуда катта, моҳияти эса ниятда теран. Қайси соҳани олманг, хоҳ иқтисодий-иқтисодий, хоҳ маънавий-маърифий йўналиш бўлсин, барча жаҳада мустақиллик йилларида улкан ўзгаришлар юз берганига гувоҳимиз.

Бу мамлакатимизда ҳукм сураётган мустақам тинчлик-осойишталикнинг самарасидир. Биз, аввало, ана шу бебаҳо неъмат — тинчлик ва осойишталик учун шукроналик айтмоғимиз керак. Шу таҳликали замонда бунга эришиш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунга биримиз билмоғимиз ва қадрига эътиборимиз лозим. Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик Президентимиз юриятган оқилона сиёсат натижасидир.

Бирок, халқимиз эришаётган ютуқларни кўролмаётган, юртимиздаги тинчлик-осойишталикка раҳна солишга уринаётганлар ҳам йўқ эмас. Бундай қуллар, биринчи галда, ҳали етарлича ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган, оқ-қорани яқин танимайдиган ёшларни тўғри йўлдан оғдиришга ҳаракат қилаётгани ҳам сир эмас.

Шунинг учун биз, ёши улуглар — отанолар, устоз-мураббийлар, маҳаллалар оқсоқоллари фарзандларимиз тақдирига бефарқ бўлмаслигимиз, таълим-тарбия ишига энгил-елли қарамаслигимиз керак.

Бу дунё бозорга ҳўшайди. Кимдир унга бораётган бўлса, кимдир қайтаётди. Бордан қайтаётганлар — биз, ёши улуглар, турмушининг аччиқ-чучугини татиغان, ҳаётий тажрибамизга эга одамлардирмиз. Бозорга бораётганлар эса онг-шуури, дунёқарши ҳали тўла шаклланмаган, масъули ёшларимиз. Халқимизнинг одатига кўра, биз бозорда кўрганларимизни унга бораётганларга айтишимиз керак: «Ўғри-ёлғончи, фирибгарнинг домига тушиб қолма, адашма, ахтир бўл!» дея оғохлантиришимиз шарт.

Мен оруз қиламанки, қанийди ҳар бир ота-она бу дунёдан кетар чоғида фарзандини ёнига қақиб: «Мен сени ҳалоллик билан улғайтирдим. Бошингни кўтариб юр!» Эл-юртингга муносиб бўл!» дея олса. Бундай ота-онанинг икки дунёда ҳам юзи ёруғ бўлиши шубҳасиз.

Мустақиллик фарзандлари — руҳан янги авлод. Билимдан, илмда ҳам, яшашу интилишда ҳам дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган йигит-қизлар. Улар тўн ҳам қияди, галстук ҳам тақиб юради. Истиқлол туфайли миллий ўзлигини тўла англаб етиш имкониятига эга, дунё билан бемалоқ тиллашаётган ва тенглашаётган бахтли авлод.

Юртбошимиз айтадики, фарзандларимиз биздан кўра билимли, ақли, доно ва, ал-

батта, бахтли бўлишлари шарт. Бугун Ўзбекистонда ҳамма нарса ана шу улғ мақсадга йўналтирилган. Юртимизнинг қайси бир вилояти, қайси бир туманига борманг, ойдайдир яқинда турган муҳташам коллежларга кўзингиз тушади. Мен кўпинча уларни Ҳиндистонда Бобурийлар қорни онам дунёнинг етти мўъжизасидан бири — Тож Маҳалга ўхшатаман. Уларда оддий чўпону деҳқоннинг, ишчио хизматчининг фарзандлари замонавий билимларни эгаллапти. Бобомиз Хоразмий ўйлаб тоғган алжабр асосида яратилган компьютерни ўрганапти.

Дарвоқе, даҳолар ҳақида гап кетганда таъкидлаб ўтай: улугларни бировдан қарз оладиган жойимиз йўқ.

Чорвадор аҳли орасида шундай нақл юради. Етим кўзи кўринган қорани онам деб издан эргашиб кетаверар экан. Биз ҳеч қачон етим кўзи бўлмаганмиз ва бўлмаймиз ҳам. Фарзандларимиз, аввало, ана шу олий ҳақиқатни яқин англаб етишлари керак. Бегруний, Амир Темур, Улугбек, Алишер Навоий, Бобур каби боболарини таниган ўспиринга қандайдир чет эллар радиолари ақл ўргата олишига ишонмайман. Хорижда, айниқса, Шарқ мамлакатларида «Мен имом Бухорийнинг юртданман!» десангиз, сизни барча бошига кўтарди. Чунки, Қуръони каримдан кейинги китоб — Ҳадиси шарифи яратдан зот ўзбек олимидир.

Оққан дарё оқаверида, деган ҳикматга ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўтган 14 йил мобайнида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти даврасида бўш турган ўз ўрнини эгаллади. Бизни ҳурмат қиладилар, биз билан ҳисоблашадилар. Булар ўз-ўзидан бўш бераётгани йўқ, албатта. Бунинг замирида буюк ва фидокорона меҳнат, улкан маданият ва иродаси улғ Шукс турибди.

Юртимиз истиқлолнинг ўз муаллифи, яловбардори бор. Бу яловбардор Ислам Каримовдан бошқа одам бўлганида Ўзбекистон деб аталмиш улкан кемани, ким билсин, қайси томонларга бошлаб кетиши, халқимизнинг бошига не бир қулфалар солиши мумкин эди. Юртбошимиз йўл бошидаёқ Ўзбекистонимиз тараққиётининг бея таъмоилини белгилаб берди ва бугун халқимиз ундан оғишмай олға бормоқда.

Бўзван ошдан тош, гуручдан курмак қидириш холлари учраб туради. Дейлик, бирор вилоятнинг узок қишлоғидаги мактаблардан бирининг синфидаги бирор пахта синган бўлса, уни мамлакат микфисидида нуқсон-муаммога айлантргувчилар зумда топила қолади. Лекин Президент Ислам Каримов таъаббус билан ана шундай мактабларни бутунлай қайта таъмирлаш, янгиларини қуриш учун 1,3 триллион сўм ажратилганини улар билармикан? Албатта, билади. Аммо, билмасликка олади. Бугун мамлакатимиз улкан қурилиш майдонида айланганини бутун жаҳон кўриб турибди.

(Давоми 2-бетда.)

### Жойлардан хабарлар

#### Солиқ тизими ва мамбуом

Қарши шаҳрида фаолият кўрсатаётган Журналистлар уювида «Давлат солиқ тизимини ва оммавий ахборот воситалари» мавзусида давра суҳбати бўлди. Унда вилоят, шаҳар ҳамда туманлар солиқ идораларининг раҳбарлари, марказий газеталарнинг вилоятдаги мухбирлари ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатида Президентимизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма йўналишидаги маърузасида солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, солиқ сиёсатининг моҳиятини ҳар бир фуқарога етказиш бўйича кўрсатмаларни амалга оширишда солиқчилар ва журналистлар ҳамкорлиги ҳақида сўз юритилди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Жиззах вилоят бўлими кенгаши ёшлар ўртасида диний экстремизм ва ақидатарастликнинг олдини олиш мақсадида турли хил тadbirkorлар ўтказиб келмоқда.

#### Тенгдошлар мулоқоти

Яқинда вилоятдаги олий ўқув юртлири талабалари, коллеж ўқувчилари билан ташкил этилган «Дин ва ёшлар» мавзусидаги давра суҳбатига Тошкент Ислам университети талабалари тақлиф этилди. Пойтахтлик ёшлар тенгдошларига ислом дини, унинг асл моҳияти тўғрисида гапириб беришди. Талаба ва ўқувчилар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Бахриддин САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Газетада босилмади, аммо...

## Маъмурий иш қўзғатилди

расмий жавобда таъкидланганича, «Ҳақиқатан ҳам, аҳолининг кундулик эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари «Шарғунсаудо» масъулияти чекланган жамиятга қарашли савдо дўконлари кундулик эҳтиёж моллари билан тўлиқ таъминланмаганлигини, бу эса одамларнинг эътирозига сабаб бўлаётганини ёзган эди. Сароисийё тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.САФАРОВ имзоси билан мазкур шикоят хати юзасидан келган

декабрдаги қарори талаблари тўлиқ бажарилмаганлиги юзасидан тупланган ҳужжатлар асосида жамият раҳбари Н.Холиқова, бош ҳисобчи А.Холиқова ҳамда савдо шохобчаси мудири З.Нормуродовага нисбатан маъмурий иш қўзғатилган. Ҳозирда ушбу иш кўриб чиқилмоқда. Мазкур масала туман ҳокимлиги назоратида олинган».

### Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 15 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий валюталарнинг сўмга нисбатан қийимини қийимини белгилади:\*/

1 Австралия доллари	839,29
1 Англия фунт стерлинги	2006,44
1 Дания кронаси	185,81
1 БАА дирхами	290,96
1 АҚШ доллари	1068,62
1 Миср фунти	185,67
1 Исландия кронаси	17,09
1 Канада доллари	866,47
1 Ҳонг конг доллари	129,11
1 Малайзия рингити	281,25
1 Польша злотийси	345,08
1 СДР	1610,60
1 Туркия лираси	810,79
1 Швейцария франки	889,78
1 ЕВРО	1382,47
10 Жапония Корея воени	10,41
10 Япония иенаси	101,82
1 Россия рубли	38,07
1 Украина гривнаси	201,64

\*/ Валюта қийимини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийимда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

### Жаҳон 24 соат ичида

#### Маҳбуслар озод этилади

Яқинда Фаластин ва Исроил етакчилари томонидан имзоланган тинчлик шартномасига бинаоан икки мамлакат қўшма комиссияси 500 нафар фаластинлик маҳбусни озод қилиш режасини тасдиқлади. Исроил ҳукумати расмий вакиллари айтишича, бугуноқ маҳбуслар озодликка чиқишлари мумкин.

#### «Ариан»нинг парвози

Европа Иттифоқи «Ариан 5-ЕСА» деб номланувчи ракетани муваффақиятли рамага учирди. Мазкур 50 метрлик фазо кемаси Франциянинг Куру космодромидан рамага парвоз қилди. У 8 тонналик Ер суний йўлдошини орбитага олиб чиқмоқда. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоиз, 2002 йилда худди шундай уриниш беасмар кетганди. Ракета кўкка парвоз бошлаган пайтда бошқарув тизими

#### Демократларнинг янги етакчиси

Шанба кўни АҚШ Демократик партияси миллий қўмитаси собиқ президентиликка номзод Говард Динни ўзларига етакчи қилиб сайладилар. Эдиликда у Терри Маколиф ўрнига партияга етакчилик қилди. Говард Дин партиянинг минтақавий уюшмалари ишини фаоллаштиришга ва демократларнинг мамлакат сиёсатида мустақам ўрин эгаллашига ҳаракат қилишга ваъда берди.

#### Имтиёздан кимдир норози, кимдир...

Россия ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари айтишича, бутун мамлакат бўйлаб 4 миллионга яқин аҳоли намоий-иш ўтказмоқда. Уларнинг бир қисми имтиёзларнинг монетизация қилинишига қарши бўлишса, бир қисми ҳукуматнинг ушбу ҳаракатини қўллаб-қувватламоқда. Намойишларнинг хавфсиз ўтиши учун ҳозирда 30 минг нафарга яқин милиция ходимлари жалб этилган.

Абдулла ОРИПОВ:

# ЭЛ-ЮРТИНГГА МУНОСИБ БЎЛ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу Юртбошимизнинг: "Биз ҳеч қандам кам эмасмиз ва кам бўлмайми!" дея фахр-ифтихор билан айтган гапларини ёдга солмайди-ми. Утган йили Самарқанд шаҳрида "Ёшлар маркази" очилганида мен доноларча айтган бу гапни бот-бот эсладим. Негаки, ёшларнинг замонвий қасридан сал нарида қадимий Регистон қад ростилаб турибди.

Биз қадимдан тузиб, экиб-ундириб, яратиб ўрганган бунёдкор халқимиз. Бундай иншоотларни қўчманчи халқлар қўра олмаган, билмаган, давлатчилиги, илму маърифати мустақам, жаҳон тамаддуни таракқиётига ўз таъсирини кўрсата олган халқ, миллатгина қўра олган.

Эришаётган ютуқларимизни кўролмаётган кучларнинг ниёти — ёшларимизни турфа найранг билан ўз домига тортиш. Бирни келиб демократияни ўргатаман, деб чалғитади. Иккинчиси — динни. Асл мақсади эса халқнинг ўртасига қўтқу солиш, болани — отага, каттани — кичикка, халқни давлатга қарши қўйиш.

Бундай "меҳрибонлар"нинг айримлари халқимиз демократия борасида эришган ютуқларни ўзарича тафтиш қилмоқчи бўладилар. Фарбада "ясалган" қолипларини олиб келиб бошимизга қўндиришмоқчи уринадилар. Бошқача айтганда, гўё ўзбек ўғлонидан шотландиялик эркаклар каби юбка кийиб юришни талаб қиладилар.

Хар бир халқнинг ўз миллий либоси, анъаналари бўлгани каби, демократияга ҳам ўзига хос ёндашуви бўлиши табиий. Масалан, демократия ва адолат билан иш юритувчи маҳалла муассасаси, тушунчаси фақат ўзбекистонда, ўзбекларда бор. Маҳаллаларимиздаги одатга кўра, оқсоқоллар фикрига қўлоқ солиш диктатура эмас, ҳурмат, одоб белгисидир. Ҳурмат-иззат бўлмаган жойда демократиядек муътабар тушувча шаллақликка айланмайди!

Динни ўзларининг ёвуз мақсадлари йўлида никоҳ қилиб олган айрим оқимлар вакиллари аёлларни, оналарни фарзандларига, оиласига қарши қўйишга уринаётгани янада аянчли.

Халқимиз фақат Аллоҳ билан онага топиниб келган. Бу аёлга, онага нисбатан буюқ ҳурмат ифодасидир. Ота-бозоримиз оналарнинг, қизларнинг қўлини совуқ сувга урдирмасликка уринган, ахлу аёлини аяган. Бугун шу анъана давом этаётганини кўрган айрим демократия пешволари: ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари чекланган, деб жар солишдан уялмайпти.

Бугунги ёшлар Фарбадан бошлана излаб юрган "дохийчалар"дан, Афғонистонда бағилларга югурдаклик қилиб умр ўтказибётган чаламуллалардан эмас, ўзбекистонимизнинг байроғини балад кўтарайтган Рустам Қосимов, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ирода Тўланова каби йигит-қизлардан ибрат олсинлар!

Одам тоққа қокимайди, тошга қокинади. Илоё, тошга қокимайлик.

Агар барчамиз ҳамжихат ва аҳил бўлсак, Ватанимизни суйсак, Юртбошимизнинг атрофида янада жипслашсак, ўзбекини ҳеч қим енголмайди. Душман орамадан чиқадди. Унинг номи маҳаллийчилик, ғурухбозлик ва бефарқликдир. Та-

рихни унутмайлик: бир хонлигимизни ёв босганида қолган икки хонлигимиз томошанин бўлиб қараб тургани — миллатнинг бўлинишига аянчли мисол эмасми!

Инсоннинг табиати шу: турмушдаги муаммолар дарҳол ечилиб, Аловуддиннинг дастурхонидоги каби ҳамма нарсга бир зумда муҳайё бўлишни истаиди. Лекин гишт устига гишт қўйиш учун ҳам фурсат керак-ку!

Ўзбек кураши илгари чет-чеккада, тўй-ҳашамда эсга тушадиган машғулот эди. Истиклолимиз шарофати билан унга давлат эгаллик қилди. Унинг дунё бўйлаб кенг ёйилишида Президентимиз Ислоом Каримовнинг ўзлари бошқош. Бугун сақсонга яқин мамлакат курашини спорт тури сифатида расман тан олган ва кураш бўйича ўз миллий федерацияларини тузган. 12-13 йил илгари бундай гаплар тушимизга ҳам кирмас эди.

Бир кун самолётда сафардан қайтаётган эдим. Ёнимдаги ҳамроҳим қўшни мамлакатлардан бирининг вакили экан. Қўлидаги газетга имо қилиб, мактабни қолди: "Кўринг, бизда демократия мана шундай кенг тарқалган". Қарасам, ўша мамлакат раҳбарининг эшакка миндириб чизилган масхара расми.

"Президент — юртининг отаси, — дедим, — ўларининг — бутун халқ — овоз бериб сайлагансизлар. Кишининг ўз отасини масхара қилиши Шарқда демократия мезони эмас, ўта кетган адабсизлик ҳисобланади. Шарқ Фарбадан ўзининг донолиги ва назокати билан аҳралиб туради. Катта ҳурмат, кичикча иззат эса ана шундай доноликнинг бир кўриниши. Отанинг масхара қилганин учун мактанма-да, оша."

Ҳамроҳим қўлидаги газетани ечималда ташлади: "Ортимга бойраин, шу газетанинг редакторини ейман!"

Биз, ўзбеклар робинзонлар эмасмиз.

Мамлакатимиз худудиде археологик қазималар олиб борган баъзи олимлар Чағонён, Ерқўрғон, Кампиртепа каби жойлардан топилган ашёларни бутпарастлик, оташпарастлик сингаги ташқи дунё таъсирларининг ўзига хос кўриниши сифатида таърифлайди. Аслида эса улар Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон тамаддуни — цивилизацияси мавжуд бўлганлигидан яққол далолатдир. Бу тамаддун замирида туб жой аҳолисининг манфаатлари, маънавий-маърифий, маданий анъаналари ўз ифодасини топган.

Бунга ким шубҳа қилса, неча минг йиллик қалъа-қасрларимизни, қадимий қорлардан топилган рангбаранг расмларни бориб кўрсин. Энг қадимий шахмат тошлари бизнинг заминимизда топилган. Сўядан ясалган энг қадимий най илк бор ўзбек заминиде наво таратган. Буларнинг бари ўзининг мустақил давлатчилиги, гуркираб ривожланган маданияти, тамаддуни мавжуд жойдагина пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам шарҳларимизнинг ёши берибдирилган катта чиқаверади. Ёши аниқланмаган неча қўрғонларимиз эса навабат кўтиб турибди.

Фарзандларимиз ўзларини улуг халқининг фарзанди сифатида ҳис қилганида мана шундай жиҳатларга эътибор берсин.

**Қ.ОЧИЛОВ**  
эътибор берсин.  
(У.А.)

Мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган ислохотлар бугунги кунда муҳим босқичга кўтарилди.

Президентимизнинг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони прокуратура органлари олдида масъулиятли вазифалар қўйди ва бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Прокурор назоратини ташкил этишда асосий эътибор пахта ва галла экиладиган ер майдонларидан қонуний фойдаланишни қатъий таъминлаш, сугорилладиган экин майдонларининг муомаладан чиқарилиши ва унумдорлигининг пасайиши ҳамда ер ажратишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш, мелiorация иншоотлари, қишлоқ хўжалиги техникаси ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларидан хўжасизларча фойдаланиш, уларни талон-торож қилиш ҳолатларига чек қўйиш, қишлоқ хўжалигида асосий куч сифатида майдонга чиқаётган фермерлик ҳаракати йўлидаги гов-тўсиқларни бартараф этиш масалаларига қаратилмоқда.

Ҳисобот даврида зарар кўриб ишлаган, паст рентабелли ва истикболсиз ширкат хўжаликлари тугатилиб, уларнинг негизда танлов асосида 15 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари, шунингдек, уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари ташкил қилинди.

Хозирги кунда фермерлар сони республика бўйича 100 мингдан ошди. Умумий сугорилладиган ерларнинг тенг ярми фермерлар ихтиёрида, пахта ва галла каби асосий қишлоқ хўжалиги экинларини экиб, маҳсулот етиштиришдаги ҳиссалари қарийб 50 фоизни ташкил этаётганлиги фермерлик ҳаракати ҳаётида ўзини оқлаганидан далолатдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, прокуратура органлари томонидан қонунийлики таъминлаш борасида қўрилган комплекс чора-тадбирлар соҳадаги ислохотларни жадаллаштириш ва ижобий натижаларга эришишга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Маълумотларга кўра, 2004 йилда аввалги йилга нисбатан яппи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайиб, мажбуриятлар **110,1 фоизга** бажарилди. Республикада салкам **2,5 млн. тонна** галла давлатга сотилди, **3,53 млн. тонна** эки **2003 йилга нисбатан қарий 0,8 млн. тонна** кўп пахта хомашёси етиштирилди. Яна бир муҳим жиҳат — давлатга топширилган пахтанинг қарий **86 фоиз** юқори — 1-2 навларни ташкил этди.

Пахта ҳосили етиштириш тадбирлари аввалги йилларга нисбатан анча эрта бошланиб, ҳуқумат қарориде белгиланган майдонлар қиттининг тўлиқ экилиши таъминланди. Ғўза парваршидан бошлаб то пахтани йиғиб олишга қадар булган жараёнда қонунийлики таъминлаш чоралари қўрилди.

Республикаимизнинг қишлоқ хўжалиги учун янги техникалар сотиб олиш иқомиятига кенгайиб, хўжаликларга "Ўзқишлоқхўжалик-машохдин" компанияси қорхоналари томонидан 2782 та ТПЗ руслуми, 555 та хорижда ишлаб чиқарилган трактор, 985 та чигит экиш севялкаси, 1239 та култиватор ва бошқа техникалар етказиб берилди, бу эса олдинги йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўпдир.

Қишлоқ хўжалик қорхоналари турли йўналишларда ўз вақтида молиялаштирилиб борилди. 2004 йилнинг ўзиде пахта ва галла ҳосили учун қишлоқ хўжалик қорхоналарига жами 823 млрд. сўм маблағ йўналтирилганлиги шундан далолат беради. Тармоқни минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларисиз тасаввур қилиш кийин. Шу боис булардан фойдаланишни тартибга солиш ишлари алоҳида назоратга олинди. Натижда олдинги йилга нисбатан 32 млрд. сўмлик минерал ўғит, 57 млрд. сўмдан ошмиқор ёнилғининг тежаб қилинишига эришилди. Шунингдек, янги ерларни ўзлаштириш, уларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича буюм жабҳасида 21,8 млрд. сўм капитал қўрилиш ишлари бажарилди. Бу борада прокуратура органлари томонидан ўтказилган тадбирлар самарали бўлди, натижада **36168 гектардан** ортиқ майдонлардан қонуний фойдаланганлиги аниқланиб, уларни хўжаликларга қайтариш чоралари қўрилди.

Деҳқон ва фермерлар ҳуқуқларини ҳимоялаш прокурор назоратининг доимий эътибориде бўлиб келмоқда. Қўрилган чоралар натижасида уларга етказилган қарийб **77 млн. сўм** моддий зарарлар ихтиёрий қопланди, **300 млн. сўм**лик зарарларни ундириш борасида судларга аризалар киритилди, мингдан ортиқ мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, қўпол қонунбузилишлар юзасидан эса жиноят ишлари қўзғатилди.

Шу билан бирга, қўрилайтган чораларга қарамай ер ажратиш, фермерликни ташкил этиш борасида ҳамон қонун талаблари бузилмоқда. Айнакса, мансабдор шахслар томонидан юқори ҳосилдорликка эга бўлган ер майдонларининг қариндош-уруғчилик ва

ошна-оғайнигарчилик асосида ажратиб берилиши ўта ташвишли ҳолидир.

Аниқланишича, 475 нафар мансабдор шахс томонидан жами **20 минг гектардан** ортиқ ер майдонлари қонунсиз ажратилиб, ўзларининг таниш-билишлари ва ҳатто ўз номларига "фермерлик йўли" билан расмийлаштирилган. Бу қонунбузарликлар учун жазонинг муқаррарлиги таъминланди. Жиноят содир этганлар суд олдида жавоб бердилар. Масалан, Урганч тумани ҳокими Р.Зойирхонов, Бағдод тумани ҳокими Ш.Солиқонов, Қўбрай тумани ҳокими С.Тошқўжаев, Пскент тумани ҳокими А.Ғофуров, Қўшқўпир тумани ҳокими биринчи ўринбосари Р.Ортиқов, Чуст тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Исоқжонов, Оққўрғон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Раимқулов, Фориш тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Эгамовлар фермер хўжаликлари ташкил этиш ва уларга ер ажратишда хизмат вақолатларини суиистеъмол қилганлари учун жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Ҳозирда бу соҳага ажратилган бюджет маблағларининг мақсади сарфланиши бўйича жойларда текширувлар ўтказилганида қўлпаб қонунбузилишлар аниқланди. Мисол учун, республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида таъминотчи қорхона ҳисобланган "УСУБ" очик акциядорлик жамияти раҳбари ва масъул шахслари томониде ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга ажратилган жуда кўп миқдордаги бюджет маблағларини турли суиистеъмолчилик ҳолатлари билан талон-торож қилинганлиги аниқланиб, тергов ишлари бошланди.

Дон етиштириш ва сотиш бўйича ҳам йўл қўйилган қонунбузи-

## Қонун барчага баробар

хондарё, Тошкент, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон вилоятларида экин майдонларининг шўрланмиш даражаси ошиб, мелiorатив ҳолати ёмонлашган ва унумдорлик палари қонунсиз ажратилиб, ўзларининг таниш-билишлари ва ҳатто ўз номларига "фермерлик йўли" билан расмийлаштирилган. Бу қонунбузарликлар учун жазонинг муқаррарлиги таъминланди. Жиноят содир этганлар суд олдида жавоб бердилар. Масалан, Урганч тумани ҳокими Р.Зойирхонов, Бағдод тумани ҳокими Ш.Солиқонов, Қўбрай тумани ҳокими С.Тошқўжаев, Пскент тумани ҳокими А.Ғофуров, Қўшқўпир тумани ҳокими биринчи ўринбосари Р.Ортиқов, Чуст тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Исоқжонов, Оққўрғон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Раимқулов, Фориш тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Эгамовлар фермер хўжаликлари ташкил этиш ва уларга ер ажратишда хизмат вақолатларини суиистеъмол қилганлари учун жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Ҳозирда бу соҳага ажратилган бюджет маблағларининг мақсади сарфланиши бўйича жойларда текширувлар ўтказилганида қўлпаб қонунбузилишлар аниқланди. Мисол учун, республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида таъминотчи қорхона ҳисобланган "УСУБ" очик акциядорлик жамияти раҳбари ва масъул шахслари томониде ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга ажратилган жуда кўп миқдордаги бюджет маблағларини турли суиистеъмолчилик ҳолатлари билан талон-торож қилинганлиги аниқланиб, тергов ишлари бошланди.

Дон етиштириш ва сотиш бўйича ҳам йўл қўйилган қонунбузи-

**52 та** фермер хўжалигини банкрот деб эътироф этиш бўйича хўжалик судларига даъво аризалари киритилди, **5251 та** фермер даражаси ошиб, мелiorатив ҳолати ёмонлашган ва унумдорлик палари қонунсиз ажратилиб, ўзларининг таниш-билишлари ва ҳатто ўз номларига "фермерлик йўли" билан расмийлаштирилган. Бу қонунбузарликлар учун жазонинг муқаррарлиги таъминланди. Жиноят содир этганлар суд олдида жавоб бердилар. Масалан, Урганч тумани ҳокими Р.Зойирхонов, Бағдод тумани ҳокими Ш.Солиқонов, Қўбрай тумани ҳокими С.Тошқўжаев, Пскент тумани ҳокими А.Ғофуров, Қўшқўпир тумани ҳокими биринчи ўринбосари Р.Ортиқов, Чуст тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Исоқжонов, Оққўрғон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Раимқулов, Фориш тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Эгамовлар фермер хўжаликлари ташкил этиш ва уларга ер ажратишда хизмат вақолатларини суиистеъмол қилганлари учун жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Шартнома тузиб, пахта хомашёси топширмаган фермер хўжаликларининг **1031 таси 36970 гектар** ер майдонларини ихтиёрий равишда хўжаликларга қайтарди, жиддий қонунбузилиш ҳолатлари бўйича эса **158 та** жиноят ишлари қўзғатилди. Масалан, Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси раҳбарлари, Мирзабод, Бонъут, Сайқунобод туманлари, шунингдек, Фарғона вилоятининг Бувайда, Учқўпир, Данғара, Ўзбекистон, Риштон туманлари, Наманган вилоятининг Қосонсой тумани, Тошкент вилоятининг Янгийўл, Бекобод туманлари ҳокимларига нисбатан пахта етиштириш, давлатга топширишда йўл қўйилган қонунбузилишлар ва бошқа суиистеъмолчиликлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов бошланди.

лабораториялар фаолиятини қучайтиришди. 2004 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари, айнакса, пахтани зараркунда ва турли касалликлардан сақлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилди, қатта маблағлар эвазига қимбевий воситаларни қўллаш ҳажми олдинги йилларга нисбатан қарийб **1,5 бараварга** камайди. Бу эса етиштирилган пахта таннархининг арзонлашишига, энг муҳими, афр-муҳитнинг ифлосланиши ва қишлоқ аҳли соғлиғи бузилишининг олди олинишига олиб келиши, шубҳасиз.

Шунга қарамай, айрим вилоятларда биомасхулотларини ишлаб чиқариш, уни қишлоқ хўжалигида қўллаш етарли эътибор берилмапти. Фарғона, Тошкент, Наманган, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида ўрғимчаккана, қўсаққурти, шира, трипс каби зараркундадалар қатта майдонлардаги ғўзага зиён етказиб, айрим хўжаликларда қарийб **25-30** фоиз ҳосилнинг нобуд бўлишига олиб келмоқда.

Ғўзани сифатли дефоляция қилиши, пахта ҳосилини йиғиштириб олишга тайёрлаш тадбирларининг ўтказилиши ҳам айрим ҳокимлар томонидан кескин чоралар қўрилмади, мурасозлик қилинди. Жумладан, Фарғона, Тошкент, Сирдарё вилоятларида бу муҳим тадбир белгиланган муддатлардан анча кеч ва сифатсиз ўтказилди.

2004 йил ҳосили учун экилган пахта майдонларига минерал ўғитларнинг сақланиши ва сарфланиши ҳам қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келди. **5577 тонна** ўғит турли йўллар билан талон-торож қилинганлиги аниқланди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги учун ажратилган **498 тонна** нефть маҳсулотлари ўзлаштирилганлиги ҳам соҳада тартибсизликлар кўпайганидан дарак бериб турибди. Деҳқоннинг ўз меҳнатидан манфаатдорлигини ошириш, иш ҳақининг вақтида тарқатилиши ва бошқа ижтимоий ҳимоя масалалари муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Маълумотларга кўра, республика миқёсида қишлоқ хўжалигида дахлдор вазирилк ва уюшма-ларда 2005 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра иш ҳақидан қарздорлик қарийб **6 млрд. сўми** ташкил қилади. Айнакса, Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида бу борада кечиктириб бўлмайдиган чоралар қўриш зарурлигини назорат тақозо этапти.

Қишлоқ хўжалиги қорхоналарига иш ҳақи, техника хизмати, нефть ва қимматли унум ажратилган транш маблағлари Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Жиззах, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм ва Тошкент вилоятларида мақсадсиз сарфланишига йўл қўйилди. Биргина Қорақалпоғистон Республикасининг Бегўйи тумани ҳокими А.Жуманиёзов мансаб вақолатини суиистеъмол қилиб, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш учун ажратилган транш маблағидан **24,5 млн. сўми** ноқонун сарфлаган ва хизматда фойдаланиш учун иккита "Нексия" автомашинаси сотиб олган. "Қишлоқхўжаликми" Сирдарё вилояти худудий бирлашмаси мансабдор шахслари эса **65 млн.** сўмлик, Жиззах вилоятида **40 млн.** сўмлик транш маблағлари мақсадсиз тарзда бошқа харажатларга йўналтирилган.

Прокуратура органлари томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида ўтказилган **4,5** мингта текшириш ва мониторинглар натижаларига кўра, салкам **76** мингта прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Жиддий қонунбузилишлар юзасидан **1296 та** жиноят иши қўзғатилди, прокурорларнинг тақдимидалари ва қарорлари асосида **30** мингдан зиёд шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. **12,8 млрд. сўмдан** ортиқ моддий зарар ва қолланмаган авансалар айбдор шахслар ҳисобидан ихтиёрий қоплатилди, **32 млрд. сўмдан** ошмиқ зарарларни ундириш бўйича судларга даъво аризалари киритилди.

Президентимиз И.А.Каримов шу йил 7 февраль куни Оқсарой қароргоҳида ўтказилган кенгашида таъкидлаганидек, асосий вазифалардан бири — иқтисодий ислохотларни қучураштиришни таъминлаш ва иқтисодий янада эркинлаштиришдан иборат. Бу борада асосий эътибор — тадбиркорликни, кичик ва хусусий бизнесни, фермерлик ҳаракатини фаол ривожлантиришга ҳалал берувчи барча суний гов ва тўсиқлар бартараф этилишига қаратилиши даркор.

Хулоса шунки, қишлоқ хўжалиги жиддий эътиборни қўлиб қилинган соҳа. Айнакса, бу соҳадаги раҳбар ва мансабдор шахслар масъулиятини ошириш ҳамда қонун талабларининг ҳар қандай ҳолатдаги бузилиши учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш — алоҳида аҳамият касб этади. Шундан тармоқдаги ислохотлар самарадорлигига эришиш мумкин.

**Э. МЕНЛИЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси  
бўлим бошлиғи.  
(Ўзбекистон овози,  
12 февраль)

# Қишлоқ хўжалиги: МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК

Кейинги йилларда мамлакат қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларнинг етарли даражада самара бермаганлиги маълум жиҳатда қўрилган комплекс чора-тадбирлар соҳадаги ислохотларни жадаллаштириш ва ижобий натижаларга эришишга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Маълумотларга кўра, 2004 йилда аввалги йилга нисбатан яппи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайиб, мажбуриятлар **110,1 фоизга** бажарилди. Республикада салкам **2,5 млн. тонна** галла давлатга сотилди, **3,53 млн. тонна** эки **2003 йилга нисбатан қарий 0,8 млн. тонна** кўп пахта хомашёси етиштирилди. Яна бир муҳим жиҳат — давлатга топширилган пахтанинг қарий **86 фоиз** юқори — 1-2 навларни ташкил этди.

Пахта ҳосили етиштириш тадбирлари аввалги йилларга нисбатан анча эрта бошланиб, ҳуқумат қарориде белгиланган майдонлар қиттининг тўлиқ экилиши таъминланди. Ғўза парваршидан бошлаб то пахтани йиғиб олишга қадар булган жараёнда қонунийлики таъминлаш чоралари қўрилди.

Республикаимизнинг қишлоқ хўжалиги учун янги техникалар сотиб олиш иқомиятига кенгайиб, хўжаликларга "Ўзқишлоқхўжалик-машохдин" компанияси қорхоналари томонидан 2782 та ТПЗ руслуми, 555 та хорижда ишлаб чиқарилган трактор, 985 та чигит экиш севялкаси, 1239 та култиватор ва бошқа техникалар етказиб берилди, бу эса олдинги йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўпдир.

Қишлоқ хўжалик қорхоналари турли йўналишларда ўз вақтида молиялаштирилиб борилди. 2004 йилнинг ўзиде пахта ва галла ҳосили учун қишлоқ хўжалик қорхоналарига жами 823 млрд. сўм маблағ йўналтирилганлиги шундан далолат беради. Тармоқни минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларисиз тасаввур қилиш кийин. Шу боис булардан фойдаланишни тартибга солиш ишлари алоҳида назоратга олинди. Натижда олдинги йилга нисбатан 32 млрд. сўмлик минерал ўғит, 57 млрд. сўмдан ошмиқор ёнилғининг тежаб қилинишига эришилди. Шунингдек, янги ерларни ўзлаштириш, уларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича буюм жабҳасида 21,8 млрд. сўм капитал қўрилиш ишлари бажарилди. Бу борада прокуратура органлари томонидан ўтказилган тадбирлар самарали бўлди, натижада **36168 гектардан** ортиқ майдонлардан қонуний фойдаланганлиги аниқланиб, уларни хўжаликларга қайтариш чоралари қўрилди.

Деҳқон ва фермерлар ҳуқуқларини ҳимоялаш прокурор назоратининг доимий эътибориде бўлиб келмоқда. Қўрилган чоралар натижасида уларга етказилган қарийб **77 млн. сўм** моддий зарарлар ихтиёрий қопланди, **300 млн. сўм**лик зарарларни ундириш борасида судларга аризалар киритилди, мингдан ортиқ мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, қўпол қонунбузилишлар юзасидан эса жиноят ишлари қўзғатилди.

Шу билан бирга, қўрилайтган чораларга қарамай ер ажратиш, фермерликни ташкил этиш борасида ҳамон қонун талаблари бузилмоқда. Айнакса, мансабдор шахслар томонидан юқори ҳосилдорликка эга бўлган ер майдонларининг қариндош-уруғчилик ва

лишлар ҳамда уларнинг сабаблари борасида шу ҳол: 2004 йил ҳосилидан давлатга дон сотиш бўйича фермер хўжаликлари билан тузилган контрактация шартномаларининг **9733 таси** ёки **14,8** фоизи бажарилмади, яъни **110** минг тонна дон етказиб берилмади.

# Ўзбекистон — «мусулмон оламининг титимсолидир»

Европа парламенти депутати, Европарламент ташқи ишлар қўмитаси мувофиқлаштирувчисининг Европа халқ партияси (христиан демократлар) ва Европа демократлари гуруҳидан ўринбосари, Европарламент инсон ҳуқуқлари бўйича кичик қўмитаси раиси ўринбосари, Буюк Британия консерватив партияси ташқи ишлар бўйича матбуот котиби Чарльз Таннокнинг «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбати мавзусини Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Олий Мажлиси икки палатаси қўша йиғилишида сўзлаган маърузасида кўтарилган долзарб масалалар ташкил қилди.

— Президент Ислам Каримов маърузасининг катта эътибор билан ўрганиб чиқдим, уни қизиқarli ва сабоқли, деб ҳисоблайман, — дейди Чарльз Таннок ўз сўзида. — Маърузада Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг кенг қўламадаги масалалари қамраб олинган.

Мен «бошқариладиган демократия», шунингдек, ҳар қандай экстремистик рўҳдаги фундаментал диний

ва сиёсий доктриналар тан олинмаганини олқишлайман. Президент ваколатларининг бир қисми парламент, бош вазир ва ҳукуматга берилгани ҳамда Ўзбекистон раҳбарининг суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлашга содиқлигини қўлаб-қувватлайман.

Президент Ислам Каримов маърузасининг яна бир эътиборга молик жиҳати, Ўзбекистон раҳбариятининг ўлим жазосини бекор қилиш ғоясига мойиллигидир. Бундай қадимдан амалга оширилиши Европа Иттифоқи ва Европа парламентида кенг қўламада олқишланади.

Ўзбекистон раҳбариятининг Марказий Осиё минтақасида умумий бозорни шакллантиришга бўлган интилишини тўла қўлаб-қувватлайман. Маъмурий ислохот, коррупцияга қарши кураш, солиқ қонунчилигини соддалаштириш ва транспарентлигини таъминлаш замонавий рақобатбардос бозор иқтисодиётини қуриш йўлида салмоқли қадамлардир.

Менимча, Президент Ислам Каримовнинг халқаро терроризмга қарши кураш

даво мотивидаги турли туридаги ҳайъатлар алмашиб турилишини ўта муҳим, деб ўйлайман. Европа парламенти Марказий Осиё билан алоқалар бўйича ҳайъати аъзолари Ўзбекистонга сафарлар уюштиришни режалаштирмоқда. Ўз навбатида Ўзбекистон парламенти аъзолари ҳам Европарламентда тез-тез меҳмонда бўлишни кутаяпмиз.

Мен Ўзбекистон Марказий Осиё тарихан содиқ бўлган бағрикенг ислом аъналарига қатъий риоя қилаётганини таъкидламоқчиман. Мамлакатнинг диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураш

даво мотивидаги турли туридаги ҳайъатлар алмашиб турилишини ўта муҳим, деб ўйлайман. Европа парламенти Марказий Осиё билан алоқалар бўйича ҳайъати аъзолари Ўзбекистонга сафарлар уюштиришни режалаштирмоқда. Ўз навбатида Ўзбекистон парламенти аъзолари ҳам Европарламентда тез-тез меҳмонда бўлишни кутаяпмиз.

Мен Ўзбекистон Марказий Осиё тарихан содиқ бўлган бағрикенг ислом аъналарига қатъий риоя қилаётганини таъкидламоқчиман. Мамлакатнинг диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураш



## ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

нинг янги икки палатали парламенти ўртасидаги ҳамкорлик йўналишлари ва истиқболлари қандай бўлади? Парламентларимиз ўртасидаги ҳамкорлик фаол давом эттирилишига ишонч билдирмоқчиман. Бу йўналишдаги мулоқотни ривожлантириш ва доимий тарз-

да тугган ўрни ўта муҳимдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон каби мамлакат ислом оламининг титимсоли бўлиши керак.

Жамшид МУТАЛОВ,  
«Жаҳон» АА,  
Брюссель.

Еврокомиссия 2010 йилга қадар мўлжалланган янги иқтисодий ислохотлар дастурини ишлаб чиқмоқда. Шу муддат ичида иттифоқ ҳудудида бир неча миллион янги иш ўринлари яратиш режалаштирилмоқда.

### Стратегик дастур назоратда

Ўтган ҳафтада Брюсселда қайта ишланган дастур муҳокама бўлиб ўтди. Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэл Баррозу ўз сўзида иқтисодий ўсиш минтақда иқтисодий ҳимоянинг сувайишига олиб келмаслиги кераклигини таъкидлади.

Режа муаллифларидан бири Гонтер Ферхойнгеннинг айтишича, ушбу стратегик режа амалга ошади-юк бўлса, 2010 йилга бориб ЕИ ҳажоҳда иқтисодий

Лондонда бўлиб ўтган халқаро конференцияда бутун дунёнинг биолог олимлари янги ташаббус билан чиқишди. Улар сайёрада мавжуд бўлган барча жониворлар ва ўсимликларни тегишли ген коди ва ҳуосиятлари асосида таснифлашни тақлиф қилишмоқ-

**Президентнинг илк ташрифи**  
Сербия Президенти Борис Тадич икки кунлик расмий ташриф билан Косовога келди. 1999 йилда НАТО ҳарбийлари томонидан Югославия бомбардимон қилинганидан кейин биринчи бор Тадич Сербия Президенти сифатида Косовога ташриф бурди. У сафари чоғида серблар яшайдиган аҳоли пунктларини бориб кўрди.

Айни пайтда расмий Белград Косово макомини белгилаш юзасидан музокаралар ўтказишга тайёрлик кўрмоқда. Икки томонлама музокаралар бир неча ойдан кейин бошланиши кутилапти.

**Театрда портлаш**  
Якшанба кuni эрталаб Париждаги de l'Empire театрида портлаш руй берди. Кутқарувчилар гуруҳи вакилининг айтишича, 7 нафар одам жароҳатланган, бинага жиддий шикаст етган. Ҳозирча портлаш сабаблари аниқланганича йўқ.

**Бош котиб талабу**  
Мюнхенда ҳавфсизлик масаласида бўлиб ўтган халқаро конференция чоғида БМТ Бош котиби Кофи Аннан ЕИ ва НАТОга мурожаат қилиб, Дарфурда кечатган оммавий қирғиннинг олдини олиш юзасидан жиддий бир қарорга қелишни талаб қилди. Кофи Аннан минтақада ҳар кuni тинч аҳоли ўлдирилётгани ва бу воқеаларга халқаро ҳамжамият бефарқ бўла олмаслигини таъкидлади.

**Йилнинг энг яхши сурати**  
Амстердамда фотожурналистика соҳасидаги энг яхши фотосуратларни танлаш аънавий маросими бўлиб ўтди. Reuters ахборот агентлиги фотомухбири Арко Датт томонидан цунами пайтида олинган суратлар йилнинг энг яхши фотосуратлари, деб тан олинди.

Ушбу танловга дунёнинг 123 давлатидан 4266 нафар фотомухбир ўз асарлари билан иштирок этди.

ридаги балиқлар (23 минг тур), шунингдек, Марказий Американинг Коста-Рика республикасида ўсадиған 8 мингга яқин турдаги ўсимликлардан бошланади. Якуний маълумотлар базаси 2010 йилда эълон қилиниши режалаштирилган.

Б. ҒОҒУРОВ.

### Сайловлар барқарорликка хизмат қиладими?



Айёд Алавий блоки эса сайловчиларнинг 13,8 фоиз овозини олишга эришди.

Қузатувчиларнинг фикрича, сайловлар натижасида мамлакат ички сиёсатида ўзгаришлар юз бериши мумкин. Масалан, блокларнинг олган овозларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакат парламентида қурдлар партиялари муҳим ўрин эгаллаши кутилмоқда. Улар билан бирлашганларига парламентда кўп овоз олишга эриша олади. Бунинг янги аниқланган қурдлар Ироқ президентлигига ўз вакиллари — баъзи манбаларда кайд этилишича, Жалол Талабоний номзодини қўрсатишни режалаштирмоқда.

Ироқдаги сайловлар натижалари АҚШ ва Буюк Британия томонидан мамнуният билан кўтиб олинди. Оқ уй раҳбари Жорж Буш берган баёнотда ироқликлар биринчи бор «эркин ва адолатли сайловлар»да қатнашганини кайд этилган. Британия ташқи

ишлар вазири Жек Стро ҳам ироқликларга шунга ўхшаш рўҳдаги таъриқнома йўлади.

Бироқ, Туркия Ташқи ишлар вазири сайловлар натижаларидан норозилигини маълум қилди. Вазирик баёнотида айтилишича, қурдлар ўзлари муносиб бўлмаган натижага эришди ва бунинг оқибатида Ироқда тузиладиган муваққат парламентида жамият таркиби тўлиқ намойён бўлмайди.

Ироқдаги сайловлар натижаларига унинг габрдаги қўшиши — Иордания босқиллик билан ёндашиди. Ушбу давлат раҳбарияти Ироқдаги сиёсий жараёнга мамлакатдаги барча партиялар жалб қилиниши зарурилигини таъкидлади.

Эслайтиб ўтаёмиз: сайловлар натижаларига қўра умумий ҳисобда 8,55 миллионга бюллетен ҳажидий деб топилган. Бу Ироқда рўйхатга олинган овоз берувчиларнинг 58 фоизини ташкил этади.

Салим ДОНИЁРОВ тайёрлади.

Ўттинчи январь кuni Ироқ парламентида сайловлар бўлиб ўтганидан хабарингиз бор. Қуни кеча унинг дастлабки натижалари эълон қилинди.

Марказий сайлов комиссияси расмий вакили Фарид Айёр тарқатган маълумотга қараганда, мазкур сиёсий таъбирда «Бирлашган Ироқ коалицияси» 48 фоиз овоз олган. Икки қурд партияси блоки — Масъуд Барзоний раҳбарлик қиладиган «Қурдистон демократик партияси» ва Жалол Талабоний бошчилигидаги «Қурдистон ватанпарварлар иттифоқи»ни овоз берувчиларнинг 25,7 фоизи қўлаб-қувватлаган.

Ироқнинг амалдаги Бош вазири

### Элга хизмат — олий ҳиммат



## Беҳатар бўлсин!

Тасаввур қилинг, машина билан тўйгани, меҳмонгами, олисрок сафарга отланиясиз. Шунда нима муҳим? Табиийки, автомашинанинг техник соғлиги. Айни пайтда ёнилгидан ҳам қўнглингиз тўқ бўлиши керак. Лекин узоқ масофага етадиган ёнилги қамлаш осон эмас. Агар машинангиз суюлтирилган газга мослашган бўлсаки? Бундай шохбчалар йўлингизда тез-тез учраса-ку — жонингиз роҳати. Юзлаб чакирим йўлда ҳам учрамасачи?

2004 йилнинг кузидо ташкил этилиб, Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган натижа, нодавлат ташкилот — «Ўзбекпропансервис» уюшмаси айнан автомашиналарни суюлтирилган газ билан тўлдириб беришга аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида фаолият кўрсатяпти. Ҳозирги кунда уюшма таркибидо мамлакатимиз бўйлаб 74 та корхона ишлаб турибди.

«Ўзбекпропансервис»нинг нияти мамлакатимиз

худудида кечаю кундуз истеъмолчиларга, хоҳ юридик, хоҳ жисмоний шахсларга беминанат хизмат кўрсатадиган тизимни яратиш. Уюшма суюлтирилган газ сотиб бозорини ўрганади, тақлифларни қўриб чиқади. Янги қуриладиган газ қуйиш шохбчалари лойиҳаларини тайёрлаб берибди. Бу борада керакли масалагини оямойди. Ўз аъзоларига техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ахборот материаллари, йўриқномалар бериб туради.

Уюшмага қарашли корхоналарнинг аксариятида замонавий электрон газ тўлдириб тармоқлари ўрнатилган. Улар газнинг солиштирма сизимини, ҳароратини инобатга олиб, тўланган пулга яраша газни аниқ етказиб беришга мўлжалланган, давлат стандартларига тўла мос келади.

2005 йилда корхоналар ва аҳолининг суюлтирилган газга бўлган талабини ўра-

ниш натижасида ички бозорга 130 минг тонна маҳсулот керак бўлади. Мазкур уюшма суюлтирилган газни бир маром ва меъёрда етказиш учун Ўзбекистон мол-ҳомашё биржаси билан ҳамкорликда маркетинг ишларини олиб бармоқда.

Уюшма белгиланган режалар сирасига газ тарқатиш тизимини тақомиллаштириш, аъзолар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, янги шохбчаларни усқуналар билан таъминлаш, хорижий инвестицияларни жалб қилишда кўмаклашиш, «Ўзбекнефтгаз» компанияси ҳамкорлигида ёнилги бозоридоги янгиликлар, маълумотлар, хабарларни оммага етказиш, келажакка мўлжалланган газ тақсимлаш ва қуйиш технологияларини яратишни ташкил қилиш, уюшма аъзоларига ўз жамиятини ривожлантириш учун моблағ топишга кўмаклашиш, Ўзбекистон худудидаги барча шохбчалар харитасини

чиқариш, аъзоларга молиявий ёрдам бериш учун банк фаолиятини ташкиллаштириш, уюшма аъзоларига газни эркин ҳолда тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш корхоналаридан шартномавий нархларда сотиб олиш учун шартшароит яратиш, намунавий шохбчаларда ўқув ва амалий машғулотлар ўтказиш кироди.

Нақд пул тушуми бўйича белгиланган қасб режаларини бажаришда уюшма шохбчаларининг улуши бароқали бўлмоқда. Ишни яхши ташкил этган жамоалар меҳр-муруват ёрдами кўрсатиш, савобли ишларга ҳомийлик қилиш жабҳасида ибрат кўрсатишмоқда.

Бозор иқтисодиёти даврида нодавлат ташкилотларнинг аҳамияти ошиб бориши табиий. Шундай экан, «Ўзбекпропансервис» уюшмаси ҳам янги замоннинг муҳим инфратузилмаси таркибидан жой олади. Фуқаролар унинг хизматларидан ўринли фойдаланадилар, деб ўйлаймиз.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ

# «ПАХТА БАНК»


сизларга замонавий тўлов воситаси бўлган пластик карточка хизматларидан фойдаланишни тақлиф қилади!

«Пахта банк» сўм пластик карточкасида республика миқёсида ўрнатилган терминаллар ёрдамида ўз қиймати бўйича нақд пулсиз барча тўловларни амалга ошириш, савдо дўконларидан харид қилинадиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар, меҳмонхона, уяли алоқа хизматлари, автомобилларга ёнилги қуйиш шохбчаларидан ва метродан фойдаланиш имкониятига эга бўласиз!

Ушбу имкониятлардан фойдаланиш учун сиз ўзингиз танлаган ва пластик карточка хотирасига киритган паролнингиздан фойдаланасиз!

«Пахта банк» сўм пластик карточка омонат турига 2005 йил 15 мартдан бошлаб қайта молиялаш ставкаси миқдоридо (йиллик) ҳар ойнинг биринчи санасига капитализация шарти билан фоизли даромад тўлайди!

«Пахта банк» сўм пластик карточкаси — бу сизнинг доимо даромад келтирувчи ҳамёнингиздир!



**Ойбек таваллудининг 100 йиллиги олдидан**

Адабий қаҳрамон — ёзувчи қалбнинг кўзгуси. Китобхон қайси бир асарни ўқимасин, унда тасвирланган қаҳрамон образида ёзувчи қалбнинг зарраларини кўради. Агар қаҳрамон олижаноб ва меҳридор инсон бўлса, демек, ёзувчи ҳам шундай эзгу фазилатлар соҳиби. Борди-ю қаҳрамон шўх ва қув бўлса, мазкур хислатлар асар муаллифига ҳам бегона эмас.

Ойбек асарларидаги қайси қаҳрамонни кўз олдингизга келтирманг, уларнинг маънавий баркамол, олижаноб, танти, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйғуси билан йўғрилган инсонлар эканига амин бўласиз. «Қутлуг қон» романидаги Йўлчи ҳам, «Навойи»даги бош қаҳрамон ҳам, «Қуёш қораймас»даги Бектемир ҳам, «Олтин водийдан шабадалар»даги Ўқтам ҳам китобхонни ажайиб инсоний фазилатлари билан мафтун этадилар. Агар: «Ана шу барча қаҳрамонларнинг муштарак фазилатлари нимада?» деб сўралса, ҳар бир китобхон, сўзсиз: «Одабийлик ва инсонпарварлик», деб жавоб бериши мумкин.

**Адабнинг Васияти**

«Навойи» романида, эҳтимол, кинингидир хотирасидан ўнган, аммо адабнинг буюк асарини тилга олишим билан ҳар сафар каминанинг ёдига келадиган ва хайратга соладиган бир лавҳа бор:

«Хусайн Бойқаро баҳорги сайилдан сўнг пойтахтга отлардан экан, навкарлар Навойининг қошига келиб, ундан чодирни йиғиштиришга рухсат беришни сўрашади. — Кўчи даррагини эшитгандан буён бир мушкулоти хал қилишдан оҳизман, — дейди Навойи ўйланиб.

— Қандай мушкулот? — навкар хайрон бўлиб, кўзларини шорига тикиди.

— Ана! — кулимсираб дейди Навойи чодирнинг бир бурчагини кўрсатиб.

Чодирнинг бир бурчагида эса одам бўйи баландликда, бир парча хас-хус устида кўзларини мўлтиллаб мусича ётар эди. Навкарлар ҳеч нарса тушунмасдан бир-бирларига қарайдилар.

— Чодир йиғиштирилса, у бечора озор етур. Бундан кўркам, — дейди Навойи.

Навкарлар кулишади. Уларнинг бири дадиллик билан шорига эътироз билдиради:

— Таксир, қанотли-қуйрукли махлук, учди-кетди.

— Тухумларига ҳам қанот боллаб учира олурсизми? — қаттиқроқ гапиради Навойи ва мулозим Хўжа Хасанини чақиртириб, унга ўқтиради:

— Чодирни йиғиштирмаймиз. Мусича бола очиб, учира қилиб, бу инни тарк этгунча сен шу ерда қол. Чодирга ҳам, қушга ҳам қоровуллик эт. Кейин чодирни йиғиштириб, Хиротга қайтурсан, бу хизматинг учун сенга яхши ҳақ тўлурмен...

Ойбек Навойига хос бўлган меҳр-шафқатни, инсонпарварлигини ана шу кичик бир лавҳа орқали ёрқин кўрсатишга эришган.

Тўғри, мусича янглиг бозор жониворлар у ёқда турсин, ҳатто одамзотнинг қони тинимсиз тўкилаётган ҳозирги замонда Навойининг бир парандага бўлган шафқатли муносабати кимгадир эриш туюлиши мумкин. Лекин сирасини айтсак, инсонпарварлик паранда-ларга, ҳайвонларга меҳр-муруватдан бошланади. Мусичага шафқатли муносабат эса, Ойбек талқинида, инсонпарварликнинг оддий, аммо ёрқин бир кўринишидир.

Ойбек «Навойи» романида фақат бош қаҳрамоннинг ихобий хислатлари ва эзгулик ҳақидаги қарашларини ифодалагани қолмай, умуман, инсонни «барча махлуқлар тоғи» сифатида талқин этиб, унинг «шарафли, соф, гўзал яшамоғи керак»лигини айтган ва бу фикр асарнинг марказий ғоясига келиб тушаган.

«Навойи» романини ўқиб, қаттиқ мутаассир бўлган арман китобхони адабга миннатдорчилик изҳор этиб ёзган хатиде: «Агар Сиз Навойи сингари улуг ва меҳридор инсон бўлмаганингизда унинг образини бу қадар ҳаяжонли ва ишонарли қилиб ёза олмаган бўлардингиз», деб жуда тўғри айтган.

Агар биз Ойбекнинг машаққатли ва айни пайтда шавқатли ҳаётига назар ташлайдиган ва замондошларининг адиб ҳақидаги хотираларини ўқийдиган бўлсак, унинг ниҳоятда олижаноб ва ҳатто авлиёсифат инсон бўлганлигини кўрамиз.

«Ойбек, — деб хотирлар, — жуда саховатли ва раҳмдил одам эди. Унинг саховати ва меҳридонлиги ҳақида ҳатто ҳикоя ва латиқалар ҳам тўқилган. Эмишчи, Ойбек уруш йилларида бозорга туша, бир хотин гилам сотиб турган экан. Нега сотаётганини сўрабди. Хотин: «Эрим фронтда ўлган, ти-

рикчилик...», дебди. Ойбек астойдил гилам олиш ниятида бўлмаса ҳам, хотинни гилами билан бошлаб уйига олиб келди ва унинг айтган нарҳини беради. Кимдир «жуда киммат-ку», деса, Ойбек дарров унинг сўзини бўлади:

— Унақа деманг, эри фронтда ўлган экан!»

Таниқли адабиётшунос олим ва педагог Фулом Каримов ҳам Ойбек ҳаётининг уруш йиллари билан боғлиқ бир саҳифасини хотирлаб, бундай воқеани ҳикоя қилган.

Уша йилларда Фанлар академиясининг Ижтимоий фанлар бўлими ҳамда Тил ва адабиёт институтига раҳбарлик қилган адиб бир кун, кутлимаганда, Фулом Каримовга: «Юр, Юсуф Султоновнинг уйдан хабар олиб келамиз», дебди. Юсуф Султонов ҳамма ижоди билан шуғулланган дастлабки олимлардан бўлиб, уруш йилларида ҳарбий хизматга чақирилган эди. Ойбек билан Фулом Каримов ҳаммазашнос олимнинг отасидан қолган ҳовлисига йўл олишади. Улар эшикни қоқишганда ҳам, ичкарига кириб, атрофга назар ташлашганда ҳам ҳеч зор кўринмайдди. Фулом Каримов Ойбекни ҳовлида қолдириб, айвонга кирганида қўлоғига заиф ингрок овоз эшитилгандек бўлади. У ичкарига кирса, хонанинг ўртасига ёзилган эски шолча устида Юсуф Султоновнинг хотини Инобатхон уч ашар ўғли Фарҳод билан оғир касал ҳолда ётган экан. Маълум бўлишича, қариндош-уруғлар бу икки хастанинг холиқлардан хабардор бўлсалар ҳам, даврининг қийинчилиги ва ташвишлари орқасида уларга қарашли имконига эга бўлмаганлар ва хасталик кундан-кунга оғирлашган.

Ойбек аҳволни диққат билан кўздан кечириб, ҳамма гапни эътибор билан

тинглайди, Фарҳоднинг бошини силаб, «Бўш келма, хафа бўлма, болакай, туриб кетасан, ҳали қараб тур, полтон йиғит бўлиб олсан», деб унга далда беради ва охирида Инобатхонга мурожаат қилиб, катта-кичик билан маслаҳатлашиб, ўйлашиб, албатта, бирор чора топаётганини, ёрдам бераётганини айтиб, хотиржам қилади. Уйдан чиқар экан, Юсуф Султонов хизмат қилиб турган ҳарбий қисмининг адресини сўрайди.

Ойбек шу куннинг эртасигаёқ институт аёлларини чақириб, уларга Юсуф Султонов оиласидан галма-гал хабар олиб туришни топширади ва олим хизмат қилаётган ҳарбий қисмга телеграмма юбортириб, унинг келиши ва оиласини оёққа турғизишига ёрдам беради. Шундай қилиб, оғир аҳволда қолган оила Ойбекнинг саъй-ҳаракати ва ёрдами орқасида омон қолади.

Ойбек ҳақидаги хотираларда бағри кенг, ҳаммага яхшилик қилиш истаги билан яшаган олижаноб ва улуг инсон образи қад кўради ва шундай Инсоннинг ажайиб фазилатлари адиб қаҳрамонларини ичдан нурлантириб туради.

Адиб олтимиш ёшга тўлиши муносабати билан ёзган ва тантанали йиғилишда шоир Хамид Фулом томонидан ўқиб берилган хатиде бундай деган эди:

«Халққа хизмат қилиш — катта бахт. Мен қирқ йилдан буён адабиёт майдониде калам тебратиб келман. Шу қирқ йил давомида мен ижодимни халқ тақдирини билан боғлашга ҳарақат қилдим, халққа фойдалар иш қилишга, унинг орзу-қувончларини ифодалашга интилдим, халқнинг қувончлари ва қийинчиликларига ҳамдард бўлдим».

Ойбек фақат илҳомбахш асарлари, ижоди билан, яъни ёзувчи сифатидагина

эмас, балки инсон сифатида ҳам халқнинг қувонч ва қийинчиликларига ҳамдард бўлишга, унинг давр мураккабликларида дол бўлган қаддини кўтаришга, унга тиргак бўлишга интильди. Шу маънода XX аср ўзбек адабиётида унга тенг келадиган бошқа бир адибни топиш осон эмас.

Ўзбек ёшларининг «Гулхан» журнали адибдан кириб келаётган 1963 йил муносабати билан Янги йил тилақларини ёзиб беришни сўраганида, у табрик сўзини «Ортнинг кўз қорачи, эркатойлар!» деган ўта самимий сўзлар билан бошлаб, бундай истақ билан дидирган эди: «...Сизнинг пок қалбларингизда Ватанга севги, садоқат, ота-оналарингизга, муаллимларингизга эътибор, чукр эҳтиром, муҳаббат ҳо бўлсин. Энг юқори таълим-тарбия, энг гўзал ахлоқ эгаси бўлингиз».

Энг гўзал ахлоқ... Ойбек ёшларга бундай сўзлар билан мурожаат этганида, уларнинг Йўлчи ва Гулнор, Ўқтам ва Қомила, Навойи сингари Ватан ва халқ ишига камарбаста, инсонпарвар, адолатпарвар, меҳрибон, қамтар, одобли бўлишларини ва ахлоқ-одоб бобида мазкур қаҳрамонлардан ибрат олишларини айтмоқчи бўлгандир.

Гўзал хулқ гавҳаридир, асло бўлмас хор, Ҳаёт илдирида ундан бир нур бор. Ҳақиқат ва ахлоқ яқин, туғишган, ўғлим, ўйла, умр ўтмасин бекор.

Бу сўзлар буюк шоир ва адиб Ойбекнинг оқолларига қолдирган васиятидир.

Ноим КАРИМОВ, филология фанлари доктори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 ноябрдаги 542-сонли қарорига асосан

**«Ўзбектўқимаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси**

туғатилиши муносабати билан «Ўзбектўқимаш» туғатиш бошқаруви бирлашма негизда тўқимачилик асбоб-ускуналари ва машиналарига эҳтиёт қисмлар, узеллар ва бутловчи буюмлар, шунингдек, тайёр тикувчилик ва трикотаж буюмлари ишлаб чиқарадиган ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича экологик жиҳатдан тоза бўлган корхоналар ташкил этилиши бўйича танлов (тендер) ўтказилишини эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун куйидаги ҳужжатлар матбуотда эълон чиққан кундан бошлаб 20 кун ичида туғатиш комиссияси номига тақдим этилиши лозим:

- корхона тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар;
- корхонанинг бизнес-режаси;
- технологик асбоб-ускуналар етказиб бериш тўғрисидаги шартнома лойиҳаси.

Ҳужжатларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 53-Б ўй. Телефонлар: 152-21-42, 53-63-36. Туғатиш бошқаруви.

Корхона чет эл автоматикаси билан жиҳозланган 15 кВт. дан 2000 кВт. гача бўлган газ, электр ва кўмир билан ишлайдиган сўв иситувчи қозонлар

**ишлаб чиқаради ва сотади.**

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Чирчиқ ш., Кангли к., 16-«А» уй.

Телефонлар: 8 (871-71) 54-701, 54-062, 8 (871) 100-99-05.

e-mail: harakat\_2004@mail.ru

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

принтерларнинг сарфланадиган материалларини сотиб олиш учун **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Танловда иштирок этиш учун бюртманомалар мазкур эълон чиққан вақтдан бошлаб 5 иш кунли давомида қабул қилинади.

Бюртманома тақдим этувчиларда компания (фирма) товарларни улгуржи тарзда етказиб бериш учун ваколатга эғалигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши керак.

Мурожаат қилинадиган шахс — Митрошин Олег Александрович. Телефон: 137-59-35, факс: 135-20-90. E-mail: oleg@central.nbu.com

Единственная консалтинговая компания в Узбекистане, имеющая международный сертификат ISO 9001:2000

**Приглашает 23 февраля на курс-тренинг по ISO 9001**

**«Внутренний аудитор системы менеджмента качества (3 дня)»**

Курсы проводятся совместно с международным сертификационным органом RWTUV

Тел./факс: (998 71) 136-55-34, 152-76-71. Моб. (998 97) 111-07-49. e-mail: info@ms-consult.uz, ms-consult@mail.ru

**Шифокорлар учун тренинг**

Тошкентда Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европадаги минтақавий бўлими, ЮНИСЕФ ҳамда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда «Иммунизациядан сўнг иккинчи даражали таъсирни ўрганиш» мавзусида тренинг ўтказилди.

Иштирокчилар тўрт кун давомида иммунзация ва вакцинациядан сўнг турли асоратлар мониторинги бўйича европалик мутахассислар тажрибаси билан танишдилар, дея хабар беради «Туркистон-пресс» муҳбири С. Назархўжаева.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европадаги минтақавий бўлими маслаҳатчиси Денис Мейрнинг таъкидлашича, вакцинация хавфсизлиги ташкилот олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун мазкур тадбир кўпгина Европа мамлакатлари ва МДХ давлатларида ҳам ўтказилмоқда.

**O'ZSANOATQURILISHBANK**

**«Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлари диққатига!**

Ҳурматли акциядорлар,

**«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»**

сизга ўз эҳтиромини изҳор этади ва банк кенгаши томонидан 2005 йил 31 январь кунини қабул қилинган 37-сонли қарорга биноан, имтиёзли акциялар бўйича йиллик 40 фоиз ҳисобидан 2004 йилнинг 4-чораги учун 10 фоиз миқдордаги оралик дивиденд тўлағини тўғрисида эълон қилади.

Дивидендларни 2004 йил 31 декабрь ҳолатигагача ёпишган акциядорларнинг реестрида мулклий ҳуқуқлари акс эттирилган акциядорлар олинлари мумкин.

Дивидендларни олинга доир бўлган масалалар бўйича «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг тегишли филиалларига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Банк кенгаши.

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ**

**16, 24, 27 февраль**

**ОПЕРА ПРЕМЬЕРАСИ**

Газтано Доницетти

**«Севга шаҳаро би»**

А.Навойи номидаги ДАКТ ва Италия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигидаги қўшма лойиҳа.

Касса ҳар кўни соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди. Тел.: 133-90-81.

Организация реализует со склада в Ташкенте:

**КАБЕЛЬ**

(АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШВ, КГ, КВВГ, ТПП, ПВ, АПВ, ППВН, ПУНП и т. д.)

(ААШВ, (АСБл)-10 от 3 х 95 до 3 х 240)

**ЭЛЕКТРООБОРУДОВАНИЕ**

(Ичейки, трансформаторные подстанции, дизель-генераторы)

**СВЕТИЛЬНИКИ**

(ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ и т. д.)

**ЛАМПЫ**

Продукция сертифицирована по ISO 9001:2000

- ✓ Люминисцентные (ЛД, ЛБ)
- ✓ Ультрафиолетовые люминисцентные (ЛУФ)
- ✓ Цветные люминисцентные (ЛЦ)
- ✓ Натриевые лампы высокого давления (ДНАТ)
- ✓ Ртутные высокого давления (ДРЛ)
- ✓ Металлогалогенные (ДРИ)
- ✓ Лампы накаливания общего применения (ЛОН)
- ✓ Стартеры 80-220-1

Товар сертифицирован

700015, г. Ташкент, ул. Нукусская, 29 д. Дом быта "Узбекистан", 5-й этаж. Т.ф.: (998 71) 138-01-54, 133-12-84. E-mail: gamma-elektro@yandex.ru

Возможен контрактные поставки из ближнего и дальнего зарубежья по вашему заказу.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси жамоаси Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази бош илмий холими, тарих фанлари номзоиди **Наим НОРҚУЛОВ**нинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси жамоаси «Тиллар» кафедраси катта ўқитувчиси Дилором Яхьяевага волидан муҳтарамаси **ТУҲТАХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Шарқ» НМАК компанияси жамоаси компания капитал қурилиш бошқармаси бошлиги Абдуҳаким Юсуповга аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**КўТПИ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбек-Турк Тест маркази» қўшма корхонаси жамоаси бош директор Абдиманноб Абдумуталович **АБДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи Народное слово**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 162. 32737 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди. Тахриртда ҳажми 5 қорғоздан эълм материаллар қабул қилинмайди. [ ] -Тижорат материали

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — Г. Ўйломова. Навбатчи — З. Ашурова. Мусакхҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 00.45 Топширилди — 00.45 2 3 4 5 6